Рус боскинчилари зўрлик ва алдов билан тортиб олган маданий бойликларни Туркистон бозорларида хорижликларга сотиб, пулига арокхўрлик, бузуклик килишган, кимор ўйнашган. Бухорода амир Абдулахад, Саид Олимхон хукмронлиги даврида кўпгина нодир кўлёзмалар, китоблар амирзодаларнинг кимор ўйнашлари эвазига ўрис ва четэл савдогарлари кўлига ўтиб кетди. Бу борада Туркистон бош губернатори Розенбахнинг хотини Олга Ивановнанинг нафси наханг бўлган. У хонлар ва амирлардан ундирган ноёб бойликларни Тошкентда кимошди савдосида пуллаб, бехисоб бойлик орттирган. Шу тарика халкнинг нодир маданият ёдгорликлари, кимматбахо кўлёзмалар Русия, Британия, Туркия, Эрон, хатто Америкага ташиб кетилган.
Биргина 1917-1923 йилларда Туркистон ўлкасидан тўплаб олиб кетилган осори атикалар, маданий бойликлар икки юз эллик тўрт минг икки юзтани ташкил этган. Булар расмий маълумотлар, яширинча ўгирлангани, куйдирилгани, нобуд килингани бу хисобга кирмайди.